

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

20 сентябрдаги ЎРҚ-113-сон Қонун билан баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонида чоп этилмоқда). «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида, коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимоначисига мувофиқ, даъволар билан судга мурожаат қилиши мумкин. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар эса фуқаролар йиғинининг Кенгаши ваколатларига тааллуқли бўлиб, улар қаторига энди фуқаролар коммунал хизматлар ҳақини ва мажбурий бадалларни банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, ХУЖМШ билан биргаликда уюштириш ва назорат қилиш ҳам қиради. Шунингдек «Давлат божи тўғрисида» ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжат 2007 йил 22 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

2007 йил 20 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ЎРҚ-114-сон Қонун қабул қилинди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонида чоп этилмоқда).

Унга чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш ва давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотлари ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шик

каст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар киритилган.

Қонун 2007 йил 22 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига 2007 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ-115-сон Қонун билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонида чоп этилмоқда).

Хусусан, ЖПКда хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш тартиби ўзгартирилди. Мазкур масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшитиришдан бошланади, сўнг судья чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Жиноят-ижроия кодексидан эса мол-мулкни мусодара қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартибини тартибга соладиган модда чиқариб ташланди (мусодара қилиш 2001 йилда бекор қилинган) ва синов муддатини ҳисоблаш даврига оид қўшимчалар киритилиб, энди у ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб эмас, балки у чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Қонун 2007 йил 26 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг қўшма қарори билан (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 сентябрда 1333-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) **Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов иш берувчилар томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар тўланади ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат фонди ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси ва унинг суммаларини тақсимлаш миқдорлари Президент қарорлари билан белгиланади. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришга буюртмаларни касаначиларда жойлаштирадиган юридик шахслар 2006 йил 1 февралдан бошлаб касаначиларга меҳнат шартномасига мувофиқ тўланадиган маблағлар миқдоридан беш йил муддатга меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши белгиланган.

Сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади (ягона солиқ тўло-

вини тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно). Маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий сотиш (товар айланмаси) ҳажмидан мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи яқун билан тақдим этилади. Маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий сотиш (товар айланмаси) ҳажмидан мажбурий ажратмалар юридик шахслар томонидан (ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) бевосита бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

2007 йил 7 октябрдан кучга қиради.

ДМҚ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ СОТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 сентябрдаги «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондидан шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» 202-сон қарорига мувофиқ («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Давлат мулки қўмитасига тегишли хўжалик бошқаруви органлари томонидан уларнинг устав фондидан чиқарилаётган давлат активларини, сотишдан тушадиган маблағларни Давлат мулки қўмитасининг маҳсус ҳисоб рақамида жамланган ҳолда, сотиш ҳуқуқи берилади.



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 6 сентябрдаги 886-аф-сонли буйруғига асосан «MIRAZIZ-AUDIT» хусусий аудиторлик фирмасига 2003 йил 27 январда берилган 00508-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 6 сентябридан тугатилди.

С. БЕКЕНОВ,
молия вазири ўринбосари.

1) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 892-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «NAU IK» аудиторлик фирмасига 2002 йил 15 апрелда берилган 00415-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 21 сентябридан тугатилди.

2) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 881-1-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «RIM-PROGRESS» аудиторлик ташкилотига 2005 йил 9 мартда берилган 00644-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 27 августидан тугатилди.

Ё. ТУРСУНОВ,
молия вазири ўринбосари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 2 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	1115,84	1 Малайзия ринггити	372,68
1 Англия фунт стерлинги	2574,54	1 Польша злотийси	478,02
1 Дания кронаси	241,97	1 СДР	1982,01
1 БАА дирҳами	347,56	1 Туркия лираси	1045,80
1 АҚШ доллари	1275,98	1 Швейцария франки	1090,49
1 Миср фунти	228,62	1 ЕВРО	1803,34
1 Исландия кронаси	20,56	10 Жанубий Корея вони	13,88
1 Канада доллари	1272,54	10 Япония иенаси	110,91
1 Хитой юани	169,87	1 Россия рубли	51,05
		1 Украина гривнаси	252,67

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	3.10.2007	1	0,8508	1	1,2061	1	0,0341
Арманистон	2.10.2007	1	334,47	1	476,02	1	13,44
Беларусь	4.10.2007	1	2149,00	1	3047,50	1	86,2
Грузия	4.10.2007	1	1,654	1	2,3452	1	0,0663
Қозоғистон	4.10.2007	1	120,98	1	171,37	1	4,85
Латвия	4.10.2007	1	0,496	1	0,702804	1	0,0199
Литва	4.10.2007	1	2,4348	1	3,4528	10	9,7688
Молдова	3.10.2007	1	11,4793	1	16,2449	1	0,4602
Тожикистон	4.10.2007	1	3,4444	1	4,879	10	1,3816
Ўзбекистон	2.10.2007	1	1275,98	1	1803,34	1	51,05
Украина	3.10.2007	100	505,00	100	715,3325	10	2,0274
Эстония	3.10.2007	1	11,0456	1	15,6466	1	0,442918


Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2007 йил 2 октябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1276,00	1279,00	1805,00	1825,00
"Асака" банки	1276,00	1279,00	1804,00	1810,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"	1276,00	1279,00	1804,00	1814,00
"Пахтабанк"	1276,00	1280,00	1805,00	1810,00
Халқ банки	1276,00	1278,00	1804,00	1815,00
"Ипотека-банк"	1276,00	1278,00	1804,00	1810,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1277,00	1278,00	1815,00	1817,00
"UzKDBбанк"	1276,00	1277,00	1805,00	1815,00
"Ғаллабанк"	1276,00	1279,00	1804,00	1813,00
"Трастбанк"	1276,00	1279,00	1804,00	1814,00
"Алп Жамол банк"	1276,00	1284,00	1800,00	1815,00
"Алоқабанк"	1276,00	1279,00	1804,00	1831,00
"Ў-Т банк"	1276,00	1280,00	1804,00	1827,00
"Туронбанк"	1276,00	1280,00	1805,00	1810,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1276,00	1281,00	1805,00	1820,00
"Ипак йўли" банки	1276,00	1278,00	1803,37	1806,19
"Микрокредитбанк"	1276,00	1278,00	1803,00	1806,00
"Туркистон" банк	1276,00	1281,00	1780,00	1810,00
"Даврбанк"	1276,00	1281,00	1803,00	1810,00
"Кредит-Стандарт" банки	1276,00	1277,00	1804,00	1830,00
"Капитал банк"	1276,00	1278,00	1803,40	1830,00
"Содерат банк"	1276,00	1284,00	1804,00	1854,00
"Хамкор банк"	1276,00	1280,00	1780,00	1825,00
"Универсалбанк"	1281,00	1284,00	1810,00	1814,00
"Парвинабанк"	1276,00	1278,00	1805,00	1808,00
"Равнақбанк"	1277,00	1282,00	1807,00	1837,00

«Банк ахборотномаси», № 40 (595) 2007 йил 3 октябрь.



ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН КИЧИК БИЗНЕСГА, СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗЧА, НИМАЛАР КЕРАК?



● **Қандалатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона директорининг ўринбосари Фахриддин Тўраевич:**

– Кичик бизнесни модернизациялаш учун, табиийки, янги ускуналар ўрнатиш зарур, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини анчагина кўпайтириш имконини беради. Ускуналарни сотиб олиш, ўрнатиш ва шу сингари ишларга эса озмунча пул керакми?! Таассуфки, кичик корхоналарда кўпинча пул маблағлари етишмайди. Хусусан, лизинг компанияси билан шартномамиз бор: компания янги ускуна харид қилишимиз учун бизга муайян миқдорда пул ажратиши керак. Аммо мана беш ойдан ошдики, пулдан дарак йўқ, пул ўтказишни ўйлашмаяпти чоғи.

Бугунги кунда олдимизда турган чигал масалалардан бири хом ашёдир. Ҳозирги вақтда ўз ишлаб чиқариши учун хом ашё сифатида бугдой ундан фойдаланаётган корхоналарнинг тенг ярми шу масалада қийналмоқда. Икки ойча муқаддам Республика солиқ кўмитаси кичик бизнес ва давлат тузилмалари вакиллари билан учрашув ўтказган эди. Ўшанда кичик бизнесни ривожлантириш учун нималар талаб қилиниши хусусидаги масалалар ҳам кўтарилган, бунга монелик қилаётган асосий муаммолар муҳокама этилган эди. Тадбиркорлардан бири уч ой олдин хом ашёга буюртма берганлигини айтиб, ханузгача у ажратишмаганлигидан нолиб гапирган эди. Ҳозир бу савдо бизнинг корхонамиз бошига тушди: берган буюртмамиз бир ойдан ошдики, натижасиз қолмоқда. Бир неча корхона, шу жумладан қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар зарур хом ашё турини олишга муваффақ бўлмапти.

Хом ашё ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри шартнома туза олмайдилар. Негаки бундай битимлар тузишни биржа операциялари воситасида ўтказиш ҳақида қарор бор. Биржа эса ўз навбатида, барча ҳужжатларни ҳамда гаров суммаларини йиғиб олади ва бу нарсалар ойлари мобайнида ҳаракатсиз юк сифатида ётаверади. Шу ўринда тезроқ ишлаш мумкин эмасмикин деган савол келиб чиқади.

Ахир биржа вакиллари бўлиб ўтган кимовди савдолари якунлари асосида қайси товардан қанча реализация қилингани ҳақида мунтазам ҳисобот бериб борадиларку!..

Хом ашё етказиб беришдаги қийинчиликлар маҳсулотларимиз қийматини оширишимизга сабаб бўлиши мумкин.

Бунинг эса бизга ҳам, истеъмолчиларга ҳам салбий таъсири бор.

● **Технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими директори Аҳмад Тошматович:**


– Биринчидан, нима билан шуғулланиш истиқболларини белгилаб олиш, чиқараётган маҳсулотнинг бозорда қанчалик харидорғир бўлишини олдиндан кўра билиш муҳимдир. Иккинчидан, ўз ишлаб чиқаришнинг оёққа туриб олиши ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришга йўллаш мумкин бўлган молиявий маблағлар керак бўлади. Тўғри, кредит олса ҳам бўлади. Сон-саноксиз рекламаларга қараганда, бу иш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Аммо кредит олишнинг замирида таваккалчилик ётади. Негаки, олоқнинг бермоғи бор деганларидек кредитни вақтида қайтариш керак. Корхона фаолиятни эндигина бошлаган кезлари келгусида нима бўладию, иш қай йўсинда боради, бир нарса дейиш қийин. Фикримча, энг муҳими чиқараётган маҳсулотингни ўтказиш мумкин бўлган бозорни аниқлаб олишдир.



ридек кредитни вақтида қайтариш керак. Корхона фаолиятни эндигина бошлаган кезлари келгусида нима бўладию, иш қай йўсинда боради, бир нарса дейиш қийин. Фикримча, энг муҳими чиқараётган маҳсулотингни ўтказиш мумкин бўлган бозорни аниқлаб олишдир.

КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

КОРХОНАМИЗДА, ДЕБ ЎЗИБДИ ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗДАН БИРИ, СОЛИҚЛАРНИ ОРТИҚЧА ТўЛАБ ЮБОРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР БОР. ЙИЛ ЧОРАГИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ТОПШИРИШГА БОРГАНИМИЗДА «НИМА УЧУН СОЛИҚЛАРНИ ОРТИҚЧА ТўЛАБ ЮБОРДИНГИЗ?» ДЕБ САВОЛГА ТУТИШАДИ. АММО ОРТИҚЧА ТўЛАНГАН ПУЛЛАРНИ БЎЛҒУСИ ТўЛОВЛАР ҲИСОБИДАН ЧЕГИРМА ҚИЛИШ ТЕЗ БЎЛМАЙДИ. ҲАМКАСАБАЛАРИМИЗДА ҲАМ ШУНДАЙ МУАММО БОРМИ? БОР БЎЛСА, УНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТМОҚДАЛАР?



Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликларини учун сўровимиз иштирокчилари тахририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ – ҚОИДАЛАРГА КўРА

Марказий банк бошқарувининг қарори билан Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар (нобанк кредит ташкилотлари) томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Уларга кўра барча нобанк кредит ташкилотлари ўз пул маблағларини банкларда сақлашлари шарт. Нобанк кредит ташкилотлари ва юридик шахслар ўртасида ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда банклар орқали амалга оширилади. Қоидаларга мувофиқ нобанк кредит ташкилотлари томонидан банклардан олинган нақд пуллар улар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат ўша мақсад учунгина сарфланиши керак. Шунингдек улар билан нақд пулларни қабул қилиш ва бериш ҳамда касса ҳужжатларини расмийлаштириш, касса дафтари юритиш, кассада пуллар ва бошқа қимматликларни сақлаш тартиблари, гаровга қўйилган ашёларни ломбард томонидан сақлаш хусусиятлари белгиланган. Қарор билан Пул маблағларини сақлаш ва ташиш пайтида уларнинг бутлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ҳам тасдиқланди.

Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил

24 сентябрда 1719-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳужжат 2007 йил 4 октябрдан кучга кирди.

ЙЎҚОТИШЛАРСИЗ ЙИГИМ

2007 йил ҳосили учун тузилган контрактация шартномасини бажарган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта йиғим-теримидан кейин далаларда қолган пахта хом ашёсини но-буд қилмаслик мақсадида 2007 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини охиригача тўлиқ йиғиб-териб олишни кўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди (қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 25 сентябрда 1720-сон билан рўйхатдан ўтказилди).

ССУДА ОЛИШ УЧУН 28 КУН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (молия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 сентябрда 1722-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори).

Жамғарма маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудалар наشريётлар,

босмаҳоналар ва китоб савдо корхоналарига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида 6 ойгача бўлган муддатга тақсимланган квоталар асосида дарсликларни нашр этиш учун зарур суммалар доирасида берилади.

Ссудага зарурат бўлганда, ссуда олувчилар ссуда бериш ҳақида таклиф киритиш тўғрисида ёзма равишда сўров билан Матбуот ва ахборот агентлигига мурожаат қилишлари керак. Бундай сўров билан мурожаат қилишга ссуда олувчида дарсликларни нашр этиш учун айланма маблағларининг етишмовчилиги асос бўлади. Унда назарда тутилган ҳужжатларни уч нусхада илова қилган ҳолда сўраладиган ссуданинг мақсади ва миқдори, ссуда ва унинг фоизларини қайтариш муддати кўрсатилади. Агентлик ссуда олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўн кун мобайнида кўриб чиқиб, тегишли ссуда олувчига ссуда бериш тўғрисида ёзма таклиф билан Жамғарма Ижроия дирекциясига мурожаат қилади. Жамғарма Ижроия дирекцияси келиб тушган таклифни кўриб чиқади, ссуда олувчининг молиявий-иқтисодий аҳолини ва ссуда беришнинг асосларини таҳлил қилади, шунингдек ссуда бериш ёки рад этиш тўғрисида ёзма хулоса-

ни тайёрлайди. Ажратиш учун таклиф этиладиган ссуданинг ҳажми ва уни қоплаш муддатлари акс эттирилган ижобий ёзма хулоса келиши учун молия вазирлигига киритилади.

Ссуда ажратиш тўғрисидаги сўровнинг ҳисоб-китоблари ва асослигининг кўриб чиқилиши ҳамда ссуда ажратиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши, таклиф қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш иш куни мобайнида амалга оширилади. Уч кун ичида ссуда ажратиш тўғрисидаги ижобий хулоса асосида ссуда олувчи ва Жамғарма Ижроия дирекцияси орасида ссуда ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

Ссудалар қуйидаги ссуда олувчиларга берилмайди: сўнгги 12 ой мобайнида зарар билан фаолият юритганларга; аввал ажратилган ссудалар бўйича олинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганларга ва Низомда кўрсатилган бошқа талабларга жавоб бермайдиган бошқа шахсларга. Шунингдек ссуда олувчи қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган банк кафолати кўринишида олинмаган ссуданинг таъминотига эга бўлиши керак. Ссуда ва у бўйича фоизлар ссуда бериш ҳақидаги шартномада белгиланган муддатларда сўндирилади.

Низом 2007 йил 7 октябрдан кучга киради.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 39-сон асосида 2007 йил 22 сентябрдан 28 сентябргача бўлган давр учун тайёрланди.



Шундай
нарсалар борки,
улар Сизнинг
мавқеингизни
белгилайди

СТАТУС

янги тариф режаси

Мижоз тўлови - \$18 / бир ойга
Ҳар ойги лимит - 500-800 дақиқа*
Ўзбекистон бўйлаб қўнғироқлар - \$0.04 / дақ
Тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари - \$ 0.02 / дақ

“Корпоратив” статусига эга бўлган мижозлар учун
корпоратив гуруҳ ичидаги барча қўнғироқлар БЕПУЛ.

* Шартномадаги телефонлар миқдорида боғлиқ.

Қўнғироқлар нархи ЎзРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қийматида кўрсатилган.
Барча солиқлар ҳисобга олинган. Хизматлар лицензияга эга.

ISO 9001:2000

Тел.: (8598) 305-1111 www.cdma.uz

PetraDesign

КИМ ИМТИЁЗ ОЛИШГА ҲАҚЛИ?

? Корхона вилоят марказида – ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган, бироқ Тошкентда мебель, ташкилий техника кўринишида мол-мулки бўлиб, улар ижарага олинган бинода жойлашган маъмурий офисдадир. Барча мол-мулк, шу жумладан Тошкент офисдагилари ҳам, корхона балансида ҳисобга олинади, чунки у мустақил балансга ажратилган алоҳида бўлинмаларга эга эмас.

Вилоят ҳокимлиги корхонага мол-мулк солиғи бўйича қўшимча имтиёзлар берган. Корхона уларни Тошкент шаҳрида жойлашган маъмурий офис мол-мулкига қўллаши мумкинми?

Тахририятдан. Биз газетамизда ушбу саволга жавобни олдин чоп этган эдик (2007 йил 14 сентябрь, 37 (114)-сон, «Алоҳида эмас – имтиёз мавжуд» материали).

Жавобнинг бу гаги вариантини чоп этаркан, тахририят меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир хилда тушунмаслик ҳамда уларни турлича шарҳлашнинг яна бир мисолига муҳтарам газетхонлар эътиборини қаратади. Маъмур ҳолда ваколатли органлар вакилларининг фикрлари фарқли бўлган.

Саволнинг моҳияти куйидаги-

дан иборат эди: республика вилоят марказида жойлашган корхона Тошкент шаҳрида ижарага олинган бинода жойлашган офисда мол-мулкка (мебель, ташкилий техника ва ҳоказо) эга. Бунда офис алоҳида бўлинма ҳисобланмайди ва унинг барча мол-мулки корхона балансида қайд этилган. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан корхонага мол-мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёз берилган. Корхона Тошкент шаҳридаги офисда жойлашган мол-мулкка нисбатан ҳам мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаши мумкинми?

Ўз тушунтиришларида ваколатли органларнинг вакиллари биргина ҳужжатнинг биргина моддасига – Солиқ кодексининг 92-моддасига таянадилар. Унда назарда тутилишича, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (мол-мулки ўз ҳудудида жойлашган мол-мулк солиқ тўловчиларга нисбатан) қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

Бундай қоида тушунишда далил-исботлар куйидагича: ҳокимлик имтиёз

– Солиқ кодексининг 92-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари қўшимча имтиёзлар (мол-мулки ўз ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) беришлари мумкин.

Мол-мулкнинг бир қисми Тошкентда жойлашганлигини ҳисобга олиб, вилоят ҳокими, солиқ солиш мақсадида маъмурий офис юридик шахс ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигидан қатъи назар, корхона мол-мулкнинг мазкур қисмига имтиёз беришга ҳақли эмас.

Бунда мол-мулк солиғини тўғри ҳисоблаб чиқариш учун Тошкент шаҳрида жойлашган асосий воситалар ва номоддий активларнинг алоҳида ҳисобини юритиш ва мазкур мол-мулк бўйича мол-мулк солиғини умумбелгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тўлаш зарур.

Дилшод СУЛТОНОВ,
БМТРД «Давлат молиясини ислоҳ қилиш»
лойиҳасининг эксперти.

солиқ тўловчига, яъни корхонага берган. Бирорта ҳокимлик имтиёз берилганда мол-мулкнинг қайси қисми ҳокимликка бўйсунадиган ҳудудда жойлашганлиги, қайси бири эса жойлашмаганлиги билан қизиқмайди. У ўзининг солиқ тўловчисига мадад кўрсатади. Агар қонун чиқарувчи мол-мулкка урғу қўймоқчи бўлганда, бундай деб ёзарди: «солиқ тўловчига нисбатан унинг ўз ҳудудида жойлашган мол-мулки бўйича».

Бошқа тарафнинг далил-исботлари куйидагича: вилоят ҳокими ҳокимликка бўйсунадиган ҳудуддан ташқарида жойлашган мол-мулкка нисбатан имтиёзни қўллаб бўлмайди. Хулосада Солиқ кодекси бошқа моддаси – 4-модданинг қоидаларини келтиришни хоҳлардик:

«Солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча бартараф этилмаган шубҳали, қарама-қарши ва ноаниқ жойлари солиқ тўловчи – тадбиркорлик субъекти фойдасига шарҳланади».

СОВФАГА АКЦИЯ

? Супермаркетда харидорларни рағбатлантириш усуллари қайси бири энг самарали – татиб кўришми, харид учун совға беришми ёки бошқа нарсами?

– Аввало у тадбирнинг мақсади-га боғлиқ истеъмолчиларни янги марка билан таништириш мақсадида кўрсатишнинг кўпайтиришисиз? Шунга қарамай турли реклама тадбирларининг харидорларга таъсирини акс эттирувчи баъзи умумий хусусиятлар бор.

Чунки, социологик тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, текин намуналарни татиб кўришга бундай тадбирларга дуч келганларнинг деярли ярми ижобий қарайди. Истеъмолчиларнинг учдан бири турли ўйинларга, лотереяларга, мавжуд товарни бошқа маркадаги товарга текинга алмаштиришга хайрихоҳлик билан қарайди. Бироқ савол берилганларнинг фақат учдан бир қисми бундай тадбирлар таъсирида ўзлари режалаштирмаган, реклама қилинаётган товарларни сотиб олган.

Саноат товарларини сотувчилар орасида товар хусусиятини намоиш

қилиш ёки харид учун совға бериш жуда кенг тарқалган. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчилар эса де-густация – татиб кўришни ўтказишни афзал кўришади. Кўпинча тадбир маҳсулотни қўллаш бўйича маслаҳат бериш ва татиб кўриш, варақалар тарқатиш ва товар хусусиятларини намоиш қилиш билан қўшиб олиб борилади. Сэмплингни (намуналарни текинга тарқатишни) ва харид учун совға беришни қўшиб олиб бориш жуда самарали бўлади. Қандолатчилик тармоғида бундай тадбир савдо-сотиқни уч-тўрт баравар авж олдириши мумкин. Супермаркетларда промоушен тадбир ўтказиш пайтида асосан аёллар иштирок этишини ҳисобга олиш лозим – улар кўпинча оила учун харид қилишади. Эркаларнинг эътиборини жалб қилиш учун одатда кўзга ташланадиган нарсалардан, эркаларга зарур буюмлардан, масалан, спорт анжонларидан фойдаланилади.

ХАТАРСИЗ ИШ

? Ходимларни хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этишга мажбур қилишга қанчалик уринмайлик, улар барибир қоидаларни бузаверишади. Нима қилиш керак?

– Аввал ходимлар бу қоидаларни билишларига, ёдлаб олганликларига ишонч ҳосил қилиш керак. Имтиёзга ўхшаш нарса ўтказиш мумкин, ундан ўта олмаганлар ишга қўйилмайди. Агар бу нарса уларнинг иш ҳақига таъсир қилса, улар барча қоидаларни дарров ўрганиб олишади.

Одамлар хавфсизлик техникаси қоидаларини билгани ҳолда бирор сабабга кўра менсимаслиги эса бошқа гап. Унуттиш ёки унинг назарида керакисиз таомилларга вақт сарфлашни хоҳламаслик бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қаттиқ назорат ўрнатиш ва жароҳатланиш ҳолларини кутмай айбдорларни жа-

золаш ҳамда уларнинг бевосита раҳбарини ҳам жарима билан жазолаш зарур. Кўп ҳолларда бу чора ёрдам беради.

Бироқ қоида қўйилмаган сабаблар билан бузилиши ҳам мумкин. Чунки, қурилиш фирмасининг баъзи монтажчиларига ўлим билан ўйнаши ёқар – улар ўзларини ковбой каби тутишарди. Компания мутахассислари таҳлил ўтказиб, ишчилар учун тушунарли модель қуришди, шу тўғрисида хатар гуруҳини аниқлашди. Натижада жонига қасд қилиши мумкин бўлган камикадзелар баланглик билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишга ўтказилди.

Бизнесда муаммага дуч келдингизми?

Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рўн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.

ЯСТ ВА ҚҚС: УЛАРНИНГ БИР-БИРЛАРИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

? Ягона солиқ тўловини тўловчи (10%лик ставкада) кичик корхона (ишлаб чиқариш) 2007 йилнинг II чорагидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтди. Хўжалик фаолияти яқунлари бўйича I чорада товарларни сотишдан ялли тушум 17 500 минг сўмни ташкил этди. II чорак учун ҚҚС билан биргаликда товарлар сотилишидан ялли тушум 25 500 минг сўмни, олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси 1 600 минг сўмни ташкил этди.

Кўрсатилган маълумотлар мисолида ягона солиқ тўлови ва қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини берсангиз.

Р.Вильданова,
ишлаб чиқариш корхонасининг бош бухгалтери.
Фаргона шаҳри.

– Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 22-бандига кўра ягона солиқ тўлови тўловчилари, агар улар Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚС солинадиган айланмаларни амалга ошираётган бўлсалар, ҚҚСни ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. ҚҚСни тўлашга ихтиёрий ўтиш солиқ тўловчининг ёзма хабарномасига биноан амалга оширилади. Агар солиқ тўловчи ягона солиқ тўловини тўлаётиб, ҚҚСни ихтиёрий равишда тўлашга қарор қилса, юқорида келтирилган 1667-сон Низомнинг 35-бандига мувофиқ ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасига камайтирилади, бироқ у ЯСТ суммасининг 50%идан ошмаслиги керак.

Солиқ тўловчи календарь йил бошидан ҚҚСни ихтиёрий равишда тўлашга ўтмаган тақдирда ягона солиқ тўлови суммасининг ҚҚС ҳисоблаб чиқариладиган чоракларга тўғри келадиган қисмига камайтирилади.

МИСОЛ.

I чорак учун сотишдан тушум: 17 500 минг сўм;

II чорак учун ҚҚСсиз сотишдан тушум: 21 250 минг сўм.

Бюджетга ҳисобга киритиладиган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҚҚС суммаси: 1 600 минг сўм.

2007 йилнинг биринчи чораги учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби:

17 500 x 10% = 1 750 минг сўм.

I чорак учун ягона солиқ тўлови 1 750 минг сўмни ташкил қилди.

2007 йил II чораги учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби:

Аввал бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисоблаймиз.

Маҳсулот сотилиши бўйича айланмадан ҳисоблаб ёзилган ҚҚС: 25 500/120 x 20 = 4 250 минг сўмга тенг.

Бюджетга ҳисобга қабул қилинадиган олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҚҚС суммаси: 1 600 минг сўм.

Тўланадиган ҚҚС: 4 250 – 1 600 = 2 650 минг сўм.

Ялли тушумдан солиқ солинадиган ай-

ланма бўйича ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси чегирилади:

25 500 – 4 250 = 21 250 минг сўм.

ЯСТ 21 250 x 10% = 2 125 минг сўмга тенг.

Ягона солиқ тўлови бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасига камайтирилади, бироқ у ягона солиқ тўлови суммасининг 50%идан ошмаслиги керак.

Мазкур мисолда 2 125 x 50% = 1 062,5 минг сўм.

Тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси: 2 125 – 1 062,5 = 1 062,5 минг сўмни ташкил этади.

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби ўсиб боровчи яқун билан амалга оширилиши боис I ярим йил учун солиқ куйидагича ҳисобланади:

Тушум 17 500 + 25 500 = 43 000 минг сўмни ташкил этади.

Сотиш айланмаси бўйича ҳисоблаб ёзилган ҚҚС II чорак учун: 25 500/120 x 20 = 4 250 минг сўм.

Ягона солиқ тўловига тортиладиган тушум, ҚҚС чегирилган ҳолда: 43 000 – 4 250 = 38 750 минг сўм.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС: 4 250 – 1 600 = 2 650 минг сўм.

Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган ҚҚС суммаси: 1 062,5 минг сўм (2 125 x 50%).

I ярим йил учун ягона солиқ тўлови: 3 875 – 1 062,5 = 2 812,5 минг сўм.

Бюджетга тўланади:

ҚҚС – 2 650 минг сўм;

ЯСТ – 2 812,5 минг сўм.

Энди ушбу ҳисоблашларни Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобида акс эттириш масаласини кўриб чиқамиз.

Ҳисоб-китобнинг 010-«Сотишдан тушум» сатрида 38 750 минг сўм миқдоридagi сумма кўрсатилади.

050-«Ялли тушум» сатрида ҳам шу сумма кўрсатилади.

110-«Ягона тўлов суммаси – жами» сатрида ЯСТ суммаси – 3 875 минг сўм кўрсатилади.

120-«Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси» сатрида бюджетга тўлаш лозим бўлган ҚҚС суммаси: 2 650 минг сўм кўрсатилади.

130-«Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси» сатрида 1 062,5 минг сўм миқдоридagi сумма кўрсатилади.

140-«Бюджетга тўланадиган ягона солиқ тўлови суммаси» сатрида 2 812,5 минг сўм миқдоридagi сумма акс эттирилади.

Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
эксперт,
Солиқ маслаҳатчилари
палатасининг аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ:**
 - «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
 - «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;
 - «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
 - «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарори)»;
 - «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармони)»;
 - «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида (Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори)»;
 - «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдоси самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»;
 - «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР ДБКнинг «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР Давлат статистика қўмитаси, ДБК, ИВ, ТИАИСВнинг «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- **МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 25 АВГУСТДАН 7 СЕНТЯБР-ГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 399-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги 740-XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар; 2006 йил, № 12, 658-модда) **4-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1-банд:

«я¹» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«я²» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкат-

лари» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«я³» кичик бандидаги «коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича» ва «уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар тегишинча «коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича» ва «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «я⁴» кичик банд билан тўлдирилсин:

«я⁴» нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда»;

2-банд:

«ф» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«х» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкат-

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

лари» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ц» кичик бандидаги «коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича» ва «уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар тегишинча «коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича» ва «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **«ч» кичик банд** билан тўлдирилсин:

«ч) нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда»;

3-банднинг «т» кичик бандидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **25-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915-ХII-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-И-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг йигирма иккинчи хатбошисидаги** «уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда иккинчи қисмининг йигирма бешинчи хатбошисидаги биринчи жумла** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқаролар коммунал хизматлар ҳақини ва мажбурий бадалларни банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Бюджет тизими тўғрисида**»ги 158-И-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда) **24-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандидаги** «уй-жой мулкдорлари ширкатларига» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 20 сентябрь
ЎРҚ-113-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ
ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

*Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 400-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **196¹-модда** билан тўлдирилсин:

«196¹-модда. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиш, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 25 сентябрда эълон қилинган.*

талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин соҳга уйдирмалар тарқатиш йўли билан чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш, худди шунингдек чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади;

2) қуйидаги мазмундаги **224¹, 224²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«224¹-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни шахслар ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги тақиқланган жойларга ва транспорт воситаларига ғайриқонуний кириши —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

224²-модда. Ўзбекистон Республикасининг

Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш — ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «196» рақамидан кейин «196¹» рақами билан, «222» рақамидан кейин эса «224¹, 224²» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) ушбу Кодекснинг 184², 184³, 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — чегара қўшинлари томонидан»;

5) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ушбу Кодекснинг 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 20 сентябрь
ЎРҚ-114-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 февралда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 401-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда) **73-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандидаги** «жиноий уюшма ташкил этиш» деган

сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

1) **531-модданинг саккизинчи қисмидаги** «мол-мулкни мусодара қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **539-моддадаги** «ички ишлар органи» деган сўзлар «жазони ижро этувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **546-модда:**

биринчи қисмидаги «гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ушбу Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади» деган сўзлар «округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқиладиган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат

бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **162-модда** чиқариб ташлансин;

2) **179-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади».

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 24 сентябрь
ЎРҚ-115-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2007 — 2010 ЙИЛЛАРДА
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 20 ИЮЛДАГИ
ПҚ-672-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 385-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь
192-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 12 сентябрдаги 192-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ
АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий

сотиш тартибининг 3-бандига қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банди қўшилсин:

«ж) давлат активларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул беришда инвестор

томонидан хорижий валютадаги пул маблағлари тарзида киритиладиган ва корхонанинг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказиладиган инвестициялар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисида низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «паст ликвидли» сўзларидан кейин «шу жумладан қурилиши тугалланмаган» сўзлари қўшилсин;

б) 6-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«объектни оммавий савдоларга қўйишда сотиш нархи пасайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда таклиф этилаётган сотиш нархига инвесторлардан талаб йўқлиги»;

тўртинчи хатбошидаги «сурункали зарар кўриб ишлаши» сўзларидан олдин «ишламаётганлиги» сўзи қўшилсин;

в) 21-банддаги иккинчи хатбошидаги «паст ликвидли» сўзларидан кейин «шу жумладан қурилиши тугалланмаган» сўзлари қўшилсин;

г) 24-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тўлов топшириғи нусхалари, юкларнинг божхона декларациялари, солиштириш далолатномалари, бажарилган ишлар далолатномалари, топшириш-қабул қилиш далолатномалари, ўрнатиш далолатномалари, асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати кўрсатилган ҳолда уларни ишга тушириш далолатномалари»;

д) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Комиссия ишлари якунлари бўйича протокол тузилади, унинг асосида Сотувчи инвесторнинг сотилган объектга бўлган мулк ҳуқуқини (ордерни) белгиланган тартибда расмийлаштиради».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»
2007 ЙИЛ 20 ИЮЛДАГИ ПФ-3897-СОН ФАРМОНИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 386-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармонида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида» 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага

мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь
193-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 12 сентябрдаги 193-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ
ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) III бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Кузатувчи кенгаш аъзоларини сайлаш ва тайинлаш»;

б) 5-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Акциядорлик жамиятига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштириладиган акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда:

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарори асосида кузатувчи кенгаш таркибига давлат вакили тайинланади; илгари жамият уставига белгиланган кузатувчи кенгаш аъзолари сони унинг таркибига тайинланган давлат вакилини киритишни ҳисобга олган ҳолда кўпайтирилади»;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

Кузатувчи кенгашнинг сайланган аъзосининг ваколат-

ларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

давлатнинг тайинланган вакилининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш Давлат мулки қўмитаси таклифи бўйича Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарорига кўра амалга оширилади»;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Давлат улуши устав фондининг 25 фоизидан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятидаги давлат ишончли вакили, шунингдек давлат вакили лавозимига кўра акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгаши аъзоси ҳисобланадилар, акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайдилар (қайта сайланмайдилар).

Давлат айна бир пайтда «олтин акция»га ҳамда акциядорлик жамиятининг 25 фоиздан ортиқ бўлмаган оддий акцияларига эгалик қилган тақдирда давлат вакили «олтин акция» эгаси бўлган давлат ваколатларини амалга ошириш билан бир қаторда давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини ҳам бажаради»;

д) 12 ва 18-бандларга «сайланган» сўзидан кейин «(тайинланган)» сўзи қўшилсин;

е) 20-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Кузатувчи кенгашнинг акциядорлик жамиятларини бош-

қаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлатнинг ушбу вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди»;

ж) 26-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Кузатувчи кенгашнинг ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан саралани фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 61-модда):

а) 2-бандда:

олтинчи хатбошига «бошқарувчи компанияларнинг» сўзларидан кейин «акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»;

б) 2-иловада:

5-бандда:

олтинчи хатбошига «бошқарувчи компанияларнинг» сўзларидан кейин «акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»;

6-бандда:

иккинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «давлат улуши профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунгача бўлган муддатга» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»; учинчи — саккизинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбоши ҳисоблансин;

7-банднинг учинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини» сўзлари қўшилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошига, 11-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини» сўзлари қўшилсин;

12-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ҳамда акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакиллари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар (ахборотлар)ни йиғиш, тартибга келтириш ва ишлаш»;

бешинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларининг» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошига «бошқарувчи компаниялар» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакиллари» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошига «ҳисоботлари» сўзидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича ҳисоботлари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ,
ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ,
МИЛЛИЙ ДАВЛАТ РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИ БЕРИШ ВА УЛАРНИ
АЛМАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА
(ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИНГ
ЯНГИ НАМУНАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»
2007 ЙИЛ 27 ИЮНДАГИ 131-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 387-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидалари V бўлимининг 7-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган давлат рақами белгилари таъмирланмайди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган, шунингдек йўқолган давлат рақами белгилари ва қайд этиш гувоҳномалари ўрнига янгилари транспорт воситаси эгасининг аризасига асосан тегишли тўловлар ундирилган-

дан ва рақамли агрегатлар текширилгандан сўнг берилди. Йўқолган қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) ўрнига янгиси ҳисоб карточкасидаги маълумотлар асосида тўлдирилади ҳамда гувоҳноманинг «Алоҳида белгилар» бўлимига «Такрорий» деган белги қўйилади.

Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган давлат рақами белгилари ўрнига транспорт воситаси эгасининг аризасига асосан уларнинг дубликати берилиши мумкин. Дубликатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳудудий органларининг буюртманомаси асосида тайёрланади. Дубликат олингунгача бўлган даврга йиғим ундирилмасдан илгари фойдаланилган яроқли давлат рақами белгилари берилди».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 18 сентябрь
196-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «БИРЖА
ВА ЯРМАРКА САВДОСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА» 1999 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ 174-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ
ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 388-модда)

Савдонинг замонавий шакллари янада ривожлантириш, биржа ва ярмарка савдосини рағбатлантириш, маҳсулотларни четга чиқаришни тартибга солиш ва товарлар экспортдан валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги

174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Товар хом ашё биржаси орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги 1-позиция қўшилсин:

1.	Молларнинг (балиқдан ташқари) бутун ёки бўлакланган, янги, совутилган, музлатилган, тузланган, тузли сувга солинган, қуритилган ёки дудланган ичаклари, қопчалари ва ошқозонлари	050400000
----	--	-----------

1 — 54-позициялар тегишли равишда 2 — 55-позициялар деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь
197-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ҲУДУДИДАН
ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ
БЕЛГИЛАШ ВА ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда)

«Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2007 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар

ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь
198-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ҲУДУДИДАН ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН
ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилладиган товарларнинг (кейинги ўринларда олиб чиқилладиган товарлар деб юритилади) божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартибини белгилайди ва қуйидагилар:

декларантлар томонидан (ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланмаган товарларни олиб чиқувчи жисмоний шахслар бундан мустасно) белгиланган тартибда — божхона қийматини белгилашда ва божхонанинг юк декларациясида кўрсатишда, божхона тўловларини тўлашда;

божхона органлари томонидан — декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини назорат қилишда ва божхона статистикасини юритишда мажбурий тартибда қўлланади.

2. Товарни экспортга сотишда товарнинг («ДАФ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» (DAF —

«delivered at frontier») шартларига келтирилган қиймати олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилаётган товарларнинг божхона қиймати:

божхона тўловларини ҳисоблаш ва божхона статистикасини юритиш учун белгиланади;
валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш миқдорини ҳисоблаш учун қўлланмайди.

4. Товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойи (пункти) дейилганда қуйидагилар тушунилади:

а) авиация воситасидаги ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жўнатиш аэропорти ёки сўнгги аэропорт, у ерда товарни ташиётган самолёт кўнади ва самолётга товарни сўнгги юклаш амалга оширилади;

б) дарё орқали ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги товар юкланадиган сўнгги порт ёки то-

варни ташиш порти, агар товарни қайта юклаш факти ушбу портнинг божхона органи томонидан тасдиқланган бўлса;

в) темир йўл орқали ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сўнгги станция ёки «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг хизмат кўрсатиш зонасига кирадиган қўшни давлатнинг биринчи станцияси;

г) товарларни бошқа транспорт турлари воситасида ташишлар учун — товарни ташиш йўли бўйлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пункти жойлашган жой;

д) почта орқали етказиб бериладиган товарлар учун — халқаро почта айирбошлаш жойи;

е) қувурлар орқали ташиладиган товарлар (нефть, газ ва бошқалар) ҳамда электр энергияси учун — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги тегишли ҳисоблагичлар жойлашган жой.

II. ОЛИБ ЧИҚИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

5. Олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати товарни экспортга сотишда товар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказилаётган вақтда олиб чиқилаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Олиб чиқилаётган товарларнинг божхона қийматини белгилашда олиб чиқилаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархга қуйидаги харажатлар қўшилади, агар улар кўрсатилган нархга киритилмаган бўлса:

а) товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган жойигача (пунктгача) етказиб бериш бўйича харажатлар:

ташиш қиймати;
юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари;
суғурта тўлови;
сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати;

б) сотувчи томонидан қилинган харажатлар:
воситачилик ва брокерлик тўловлари;
контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таралар қиймати, агар уларга товар номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса;

жойлаш қиймати, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари қиймати;

в) олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми:

хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар;

инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби предметлар;

олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;

муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар;

г) сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

д) олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган харажатлар-

ни божхона қийматига киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар улар:

а) ҳақиқатда мавжуд бўлса ёки бўлиши мумкин бўлса;
б) ҳолисона ва миқдор жиҳатидан белгиланадиган маълумотлар асосида ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса;
в) контрактда назарда тутилган товар қийматига киритилмаган бўлса.

Агар ушбу харажатларнинг миқдорини белгилаш ва ҳужжатлар асосида тасдиқлаш мумкин бўлмаса божхона қиймати олиб чиқиладиган товарларнинг олди-сотди қиймати асосида аниқланиши мумкин эмас.

7. Агар шартномада белгилаб қўйилган нархлар мавжуд бўлмаса ва фақат товарнинг узил-кесил нархини белгилаш шартлари акс эттирилган бўлса (масалан, тегишли санадаги биржа котировкаларини ҳисобга олган ҳолда; нархларни ва шу кабиларни ҳисоблаш формуласи бўйича) ёхуд агар шартнома шартларига мувофиқ узил-кесил нарх сотиб олувчи томонидан уни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш натижаларига кўра аниқланса божхона қиймати қуйидаги тартибда белгиланади ва декларация қилинади:

а) олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш вақтинчалик (шартли) баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

б) декларант ўзидаги вақтинчалик (шартли) баҳонинг холисоналигини тасдиқлайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишга ҳақлидир.

Божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш учун база сифатида ёхуд:

шартнома (контракт)да қайд этилган бошланғич (тахминий) нарх;

шартнома (контракт)да белгиланган ҳисоблаш шартларига мувофиқ товар юклаб жўнатилган санада белгиланган ҳисоблаш нархи қабул қилинади.

Ушбу банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошида кўрсатилган ҳисоблашларни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш божхона органи ихтиёрида мавжуд бўлган тегишли баҳолаш ахбороти асосида амалга оширилиши мумкин.

Божхона органи декларантнинг ёзма аризаси бўйича, кўриб чиқилаётган олди-сотди шартларидан ва божхона қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлайдиган ва/ёки аниқлаштирадиган зарур ҳужжатларни декларант тақдим этадиган муддатни белгилайди. Божхона органининг божхона расмийлаштиришини амалга оширадиган мансабдор шахси томонидан божхона юк декларациясига тегишли ёзувлар ва қайдлар белгиланган тартибда киритилади. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини аниқлаштириш ва/ёки тасдиқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилгандан кейин унга тузатишлар киритиш ва ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ божхона тўловларини қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

8. Божхона қиймати қуйидаги ҳолларда олиб чиқиладиган товарнинг олди-сотди қиймати асосида белгиланиши мумкин эмас, агар:

баҳоланаётган товарга сотиб олувчининг ҳуқуқларига нисбатан чеклашлар (қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлар бундан мустасно) ва товарнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган чеклашлар мавжуд бўлса;

сотиш ва олди-сотди нархи таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этишга боғлиқ бўлса;

товарнинг божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ёхуд ишончли бўлмаса;

олди-сотди қатнашчилари бир-бирига ўзаро боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги олди-сотди нархига таъсир қилмайдиган ҳоллар (бу декларант томонидан исботланган бўлиши керак) бундан мустасно.

9. Олиб чиқиладиган товарларга нисбатан олди-сотди битишуви (товарларни ижара шартномаси бўйича етказиб бериш, бепул ва воситачилик етказиб беришлари ва шу кабилар) мавжуд бўлмаганда, шунингдек олиб чиқиладиган товарларнинг олди-сотди нархидан фойдаланиш мум-

кин бўлмаганда божхона қийматини аниқлаш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

ёхуд декларант томонидан тақдим этилган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидаги олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳамда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилаётганда экспортчи томонидан олинган фойда миқдорини акс эттирувчи маълумотлар. Бунда ушбу Низомнинг 5-бандида санаб ўтилган харажатлар ҳисобга олинмиши керак;

ёхуд олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари. Айнан ёки шунга ўхшаш товарларни белгилашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

10. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматининг тўғрилигини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёхуд декларант томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончли ва/ёки етарли эмас деб ҳисоблашга асос мавжуд бўлганда божхона органи божхона қийматини ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларига мувофиқ белгилайди. Бунда божхона органи декларантнинг ёзма сўрови бўйича уч иш куни мобайнида унга улар бўйича декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматининг божхона органи томонидан қабул қилинмаганлиги сабабларининг ёзма равишдаги изоҳини тақдим этиши шарт.

11. Божхона қийматини белгилаш учун божхона органи ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ёки декларант томонидан тақдим этилган:

олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар билан ташқи савдо шартномалари нархлари тўғрисидаги;

олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси тўғрисидаги;

айнан ёки шунга ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари тўғрисидаги;

тегишли минтақавий бозорлардаги ушбу товарларнинг нархлари тўғрисидаги;

олиб чиқиладиган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товар-қиймат экспертизаси маълумотлари бўйича ахборотлардан фойдаланиши мумкин.

12. Божхона қийматини белгилашда божхона органи:

а) баҳоланаётган ҳамда айнан ва/ёки ана шундай товарларни, шу жумладан қуйидаги:

импорт мамлакати ёки жуғрофий минтақаси;

олиб чиқиладиган товарлар миқдори;

сотишнинг тижорат шартлари, шу жумладан бозор конъюнктураси (асосан хом ашё товарларни экспорт қилишда) параметрлари бўйича имкони борича қиёслашни таъминлаши;

б) сотиб олувчининг барча харажатларини ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган харажатларни божхона қийматига киритиш нуқтаи назаридан ҳисобга олиши;

в) амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ божхона юк декларациясига божхона қийматининг божхона органлари томонидан белгиланганлиги тўғрисида тегишли ёзувни киритиши;

г) декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматига ушбу Низомнинг IV бўлимида белгиланган тартибга мувофиқ тузатишлар киритиши зарур.

13. Қайта экспорт қилинаётган товарнинг (илгари олиб келинган товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш) божхона қиймати товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш вақтидаги унинг божхона қиймати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қилинган қуйидаги харажатлар сифатида белгиланади:

божхонада расмийлаштириш учун божхона йиғимлари; товарнинг қайта экспорт қилиниши муносабати билан қайтарилиши керак бўлган тўловларни чегирган ҳолдаги божхона тўловлари;

товарни сақлаш, ташиш ва суғурта қилиш учун тўловлар; бошқа харажатлар.

III. ОЛИБ ЧИҚИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ

ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ

14. Божхона қиймати декларант томонидан божхона қиймати декларацияси (БКД) шакллари қўллаган ҳолда божхона юк декларациясида кўрсатилади (декларацияланади).

Кўрсатилган божхона қийматига нисбатан асосланган шубҳалар пайдо бўлган тақдирда божхона органи декларантдан божхона қиймати асослашларини ва ҳисоб-китобларини тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу мақсадлар учун божхона қиймати декларацияси шакллари (БКД-1, БКД-2) дан фойдаланиш мумкин.

15. Кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлаш учун декларант божхона органига ишончли, миқдори жиҳатидан аниқланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотлардан иборат бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

Кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлаш учун декларант томонидан тақдим этилган барча ҳужжатлар:

зарур тарзда расмийлаштирилган бўлиши;

уларни тўлдиришнинг тегишли қоидалари (йўриқномалари)да назарда тутилган барча зарур реквизитлар ва маълумотлар мавжуд бўлиши;

алоҳида етказиб бериш ва/ёки умуман шартнома (контракт) бўйича тўловлар ва ҳисоб-китобларни идентификациялашни таъминлаши;

ташкilotнинг раҳбари, бош бухгалтери имзолари ва муҳри ёхуд юридик шахс бўлмасдан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи шахснинг (бухгалтерия ҳужжатларига нисбатан) имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

16. Божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан тақдим этиладиган ва унинг томонидан тижорат сири ёки махфий деб белгиланадиган ахборотдан божхона органи томонидан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланилади ва декларантнинг рухсатисиз уларнинг учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Тижорат сири ёки махфий ҳисобланадиган ахборотни ошкор қилганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

17. Божхона қиймати тўғрисидаги кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун декларант божхона юк декларацияси билан бир вақтда божхона органига ташқи савдо шартномаси (контракт)ни ёки унга мувофиқ товарларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни, товар юк хатини, тўлов-ҳисоб китоб (счёт-фактура) ҳужжатларини ҳамда декларант томонидан божхона қийматининг тўғрилигини тасдиқлаш имконини берадиган бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

18. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилашда ва кўрсатишда декларант ва божхона органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 14-моддалари қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ белгиланади.

IV. БОЖХОНА ҚИЙМАТИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ

19. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматига қуйидаги ҳолларда:

а) божхона қийматини назорат қилиш жараёнида кўрсатилган божхона қиймати миқдorigа таъсир қиладиган техник хатолар топилганда;

б) божхона қиймати тўғрисида кўрсатилган маълумотларнинг уни тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда;

в) божхона органи томонидан белгиланган муддатда товарлар олиб чиқилгандан кейин декларант томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида, шу жумладан:

ваколатли банкнинг амалда тушган валюта маблағлари суммаси тўғрисидаги ёзма тасдиғи;

товарни топшириш-қабул қилиш далолатномалари; шартнома (контракт) шартларига мувофиқ товарни сотиш вақтидаги мазкур товар учун нархларнинг биржа котировкалари ва шу кабилар асосида вақтинчалик (шартли) баҳо аниқланганда (ушбу Низомнинг 7-банди);

г) божхона қиймати божхона органлари томонидан ушбу Низомнинг 10-бандига мувофиқ белгиланганда тузатишлар киритилиши мумкин.

20. Божхона қийматига тузатишлар киритиш амалдаги тартибга мувофиқ божхона қийматига ва божхона тўлов-

ларига тузатишлар киритиш шакллари мажбурий равишда тўлдирган ҳолда амалга оширилади.

Божхона қийматига тузатишлар киритишда, божхона органининг мансабдор шахси томонидан божхона юк декларациясига тегишли белгилар қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 сентябрда 834-14-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 394-модда)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 90-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxbоротномаси, 1998 й., № 2, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъерий ҳужжатлар аxbоротномаси, 1999 йил, 12-сон) иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

*2007 йил 23 сентябрдан кучга киради.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач амалга киритилсин.

3. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Д.Расулов зиммасига юклатилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 3 сентябрь
01-02/15-26-сон.

ПРИЛОЖЕНИЕ

к постановлению Государственного
таможенного комитета от 3 сентября 2007 года № 01-02/15-26

**ИЗМЕНЕНИЕ, ВНОСИМОЕ В ИНСТРУКЦИЮ О ПОРЯДКЕ ЗАПОЛНЕНИЯ ГРУЗОВОЙ ТАМОЖЕННОЙ
ДЕКЛАРАЦИИ**

1. Абзац первый графы 46 раздела 6.4 изложить в следующей редакции:

«В графе указывается в тысячах долларов США статистическая стоимость товаров, пересчитанная по фактур-

ной стоимости, указанной в графе 42 настоящего раздела и приведенная к ценам СИП-граница Республики Узбекистан. Статистическая стоимость приводится с точностью до второго знака Х.ХХ».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИING
ҚАРОРИ

**ДАВЛАТ ВА БОЖХОНА ТАШҚИ САВДО СТАТИСТИКАСИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ
ЙИҒИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 сентябрда 1717-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 37-38-сон, 396-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона

қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қарор қилади:

1. Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат статистика
қўмитаси раиси
Ф.ҚУДРАТОВ.
11-сон

Давлат божхона
қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/15-23-сон

Иқтисодиёт вазири
Б.ХЎЖАЕВ.
31-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири
Э.ФАНИЕВ.
ЭГ-01/10-4715-сон

Тошкент ш., 2007 йил 27 август.

*2007 йил 30 сентябрдан кучга киради.

**ДАВЛАТ ВА БОЖХОНА ТАШҚИ САВДО СТАТИСТИКАСИ
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЙИГИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом тўлов балансининг услубиятига мувофиқ, ташқи савдода маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобининг тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш мақсадида, давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг услубиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва Давлат божхона кўмитаси ўртасидаги маълумотлар алмашинуви тартибидан аниқлаб беради.

2. Маҳсулотлар ташқи савдоси бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш ҳамда улар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш Давлат божхона кўмитаси томонидан божхона декларациялари маълумотлари асосида амалга оширилади.

3. Божхона декларациясида ва божхона статистикаси томонидан ҳисобга олинмайдиган, эгаллик ҳуқуқи резидентдан норезидентга ўтган ёки аксинча бўлган маҳсулотлар экспорт-импорти ҳажми тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш Давлат статистика кўмитаси томонидан махсус статистик кузатувлар тармоғи орқали амалга оширилади.

4. Хизматлар экспорт-импортини ҳисобга олиш Давлат статистика кўмитаси томонидан давлат статистика ҳисоботи ва махсус кузатувлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий фуқаролар томонидан ёдгорликлар, совғалар ва шахсий эҳтиёжлар учун сотиб олинган бошқа ашёларга қилинган харажатлар «Ўзбектуризм» МК томонидан ўтказиладиган махсус кузатувлар маълумотлари асосида хизматлар экспортида акс этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентларнинг ўзларининг доимий муассасалари орқали амалга оширадиган, тугалланиши учун бир йилдан охиқ вақт талаб қиладиган қурилиш, фойдали қазилмаларни излаш ва қидирув соҳаларидаги хизматлар ҳажми хизматлар импортида акс эт-

майди ва улар ички ишлаб чиқариш сифатида қаралади.

5. Давлат божхона кўмитаси ҳисобот давридан кейинги ҳар ойнинг 7-санасигача тезкор, 15-санасида эса Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасининг меъёрий ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда, товарлар ташқи савдоси маълумотлари базаси бўйича аниқлаштирилган маълумотларни (Ташқи иқтисодий фаолият маҳсулотлар номенклатурасининг 9 та белгиси бўйича) жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни ажратган ҳолда Давлат статистика кўмитасига тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар ўсиб бориш тартибида шакллантирилади.

6. Давлат божхона кўмитаси зарур ҳолларда Давлат статистика кўмитасига республика тўлов балансининг шаклланиши учун керак бўлган божхона декларацияларининг алоҳида ҳолатлари бўйича маълумотларни тақдим этади.

7. Давлат статистика кўмитаси ҳар ойда Давлат божхона кўмитасига ҳар ойнинг 1-санаси ҳолатига юридик манзилларини кўрсатган ҳолда Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрдан маълумотларни тақдим этади.

8. Давлат божхона кўмитаси ҳар чоракда товарлар ташқи савдоси бўйича божхона ахборотномасини нашр этади.

9. Ташқи савдо бўйича якуний жамланма маълумотларни шакллантириш, уларни нашр қилиш ва фойдаланувчиларга зарур кесимларда тақдим этиш Давлат статистика кўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

10. Мазкур Низом «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан келишилган.

**«Ўзбектуризм» Миллий компанияси раиси
З.ҲАКИМОВ.**

Тошкент ш.
2007 йил 20 август.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI MA'ALUM QILADI:
VAZIRLIKLAR, DAVLAT KUMITALARI VA IDORALARINING UMUMIY MAJBURIY TUSDAGI
NORMATIV HужЖАТЛАРИНИ DAVLAT RUYХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2007 ЙИЛ 25 АВГУСТДАН 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

I. DAVLAT RUYХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 14 июлдаги 19/1-сонли қарори.

2007 йил 25 августда 1704-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 сентябрдан кучга киради).

2. «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар ҳақидаги ахборотни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 июлдаги М-38-сонли буйруғи.

2007 йил 25 августда 858-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 сентябрдан кучга киради).

3. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2007 йил 8 августдаги 75, 2007-50-сонли қарори.

2007 йил 28 августда 1594-2-сон билан рўйхатдан

ўтказилди (2007 йил 7 сентябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини таснифлаш ва гувоҳномалар бериш авиация қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 19 июлдаги 110-сонли буйруғи.

2007 йил 28 августда 1349-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 сентябрдан кучга киради).

5. «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2007 йил 17 августдаги 27-сонли қарори.

2007 йил 28 августда 245-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 сентябрдан кучга киради).

6. «Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2007 йил 25 апрелдаги 2, 44, 81, 5-3-6/3, 2/4-сонли қарори.

2007 йил 28 августда 1705-сон билан рўйхатдан

ўтказилди (2007 йил 7 сентябрдан кучга киради).

7. «Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2007 йил 25 апрелдаги 3, 43, 80, 5-3-6/3, 2/3-сонли қарори.

2007 йил 28 августда 1706-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 сентябрдан кучга киради).

8. «Оилавий болалар уйи тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2007 йил 17 августдаги 223-сон буйруғи.

2007 йил 3 сентябрда 1370-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 сентябрдан кучга киради).

